

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53406-3.20.03**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**НОБЮДЖЕТ ФОНДЛАР  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340600 - "Молия"**

**бакалаврият йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Жамолов Х. Н.,  
к.ўқ. Нурмухаммедова Б.

**Такризчилар:** доц. Махаматхонова З.,  
доц. Ҳайдаров Н.

Дастур иқтисодий олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган.

Янги иш ўринларини яратиш, пенсия таъминоти ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришда нобюджет фондлардан фойдаланилади. Янги иқтисодий муносабатлар ушбу фондларни самарали бошқара оладиган мутахассисларни талаб этмоқда. Ушбу фанда нобюджет фондлар тараққиёти муаммоларига оид масалалар назарий, илмий-услубий жиҳатдан ўрганилган.

Мазкур дастур асосида такдим этилган маърузалар талабаларга нобюджет фондлар билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун зарурий кўникмалар беришнинг назарий йўналишларини ёритади.

Данная программа включает в себя изучение сущности, функций и основных форм внебюджетных фондов и предназначена для студентов направления бакалавриата "Финансы" сферы "Бизнес и управление". В программе освещены организационно-правовые и финансовые аспекты функционирования внебюджетных фондов в Республике Узбекистан. В программе приведен список литературы для изучения предмета на узбекском, русском и английском языках. К списку приложена перечень сайтов интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

The given manual is intended for the students of economic high schools.

The specialists working on Finance system will be guided in questions of the subject Extra Budget Funds.

Such questions like creating new working places, providing pension and so on financed by extra Budget Funds. New economic conditions require high qualified specialists who can to manage these Funds. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning extra Budget Funds.

The rate of given lectures stipulated by the program will help the students to master the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with extra Budget Funds.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2002 йил 9-сон мажлис баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

### **Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши**

"Нобюджет фондлар" фанини ўқитишнинг мақсади – келгусида юқори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси нобюджет фондлари фаолияти хусусиятлари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврда иқтисодий таҳлил, бошқариш ва назорат жараёнларнинг муҳим йўналишлари бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишни белгилайди:

- нобюджет фондларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларида актив шакллар ёрдамида қонунчилик ва норматив ҳужжатларда белгиланган кўрсаткичлардан фойдаланиш;
- молиявий органларда иқтисодий ва назорат ишларни баҳолаш, имкониятларини ёритиш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг молиявий ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўрганиш ва ҳ.к.

"Нобюджет фондлар" фани "Молия", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Иқтисодий назария", "Давлат молияси", "Чет мамлакатлар молияси" каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга "Нобюджет фондлар" фани қатор махсус фанлар, жумладан, "Давлат бюджети", "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш", "Халқаро молия муносабатлари", "Корхона молияси", "Солиқ назарияси", "Суғурта асослари", "Қимматли қоғозлар бозори" каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

### **Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар**

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, уқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда халқаро молиявий қонунчилик соҳасидаги

янгиликлардан, халқаро миқёсдаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар халқаро молия амалиётида мавжуд бўлган иқтисодий таҳлил, молиявий режалаштириш усулларидан фойдалана билишлари лозим.

"Нобюджет фондлар" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг халқаро молия амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда халқаро молия муносабатларига доир адабиётларни ўрганиб, малакаларини оширишларида қўл келади.

#### **Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар**

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволларни талабалар тўлиқ мустақил равишда ўзлаштиришлари шарт.

#### **Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар**

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 81, шу жумладан 36 - маъруза, 18 - амалий машғулотлар ва 27 соати мустақил таълим соатлари ажратилган. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш VII ўқув семестрига мўлжалланган.

#### **Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолашларда йиғилган баллар асосида оширилади.

Фан ўқитиладиган бир семестрда икки маротаба жорий (семинар машғулотида), икки маротаба оралиқ (маъруза машғулотида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин. Охириги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

#### **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш**

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг асосларини қуйдагилар исботлайди:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологиясининг кўзда тутилиши;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назариясидан фойдаланилганлиги;
- Муаммоли усул ва ҳақиқатни иммитацион моделлаштиришдан фойдаланганлиги;
- Таянч саволларга асосланган ёзма иш орқали оралиқ баҳолаш ўтказиш тизимидан фойдаланилганлиги.

Бу фанни ўқитишда молияга тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Project expert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологияларидан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

#### **Ишчи дастурни тузишга оид услубий тавсиялар**

Ушбу фан бўйича ишчи дастурлари тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Фан бўйича бакалавриат босқичининг тегишли йўналишларига тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши зарур.
2. Ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб этадиган тарзда берилиши керак.
3. Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши зарур.
4. Ишчи дастурда ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳам ёритилиши мақсадга мувофиқ.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### "Нобюджет фондлар" фани бўйича ўқиладиган маъруза мавзулари

#### Курснинг предмети ва мазмуни

*Нобюджет фондлар фанининг жамият ривожланишидаги аҳамияти. Фан олдидаги вазифалар. Иқтисодий эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида фанни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. "Нобюджет фондлар" фани "Молия" фанининг таркибий қисми сифати. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.*

#### Нобюджет фондларнинг моҳияти, мазмуни ва турлари

*Нобюджет фондларнинг моҳияти ва жамият ривожланишига кўрсатадиган ижобий таъсири. Бозор иқтисодиёти шароитида нобюджет фондларни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ва хусусиятлари. Нобюджет фондларнинг давлат жамланма бюджетидagi ўрни.*

*Нобюджет фондларнинг функциялари. Ижтимоий ҳимоя функцияси, унинг асосий мақсади ва давлатнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишида тутган ўрни. Ҳозирги босқичда нобюджет фондлар бўйича олиб борилаётган молиявий сиёсат стратегияси ва тактикаси. Нобюджет фондларни умумий бошқарув органлари. Нобюджет фондларни оператив бошқарув органлари. Пенсия фонди ва унинг қуйи бўғинлари. Бандлик фонди ва унинг жойлардаги бўлимлари. Республика йўл фонди ва унинг қуйи бўғинлари. Давлат Мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақами. Нобюджет фондларнинг юридик шахслар билан молиявий муносабатлари. Нобюджет фондларнинг жисмоний шахслар билан иқтисодий муносабатлари.*

#### Пенсия фондининг шаклланиши ва фойдаланилиши

*Пенсия фондининг моҳияти ва мазмуни. 1991 йилга қадар мазкур фонднинг шаклланиш манбалари ва фойдаланиш йўллари. Бозор иқтисодиёти шароитида пенсия фондининг асосий вазифалари. Ўзбекистон Республикасида "Пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилишининг аҳамияти. Ҳозирги шароитда пенсия фондининг даромадлари ва уларнинг таркиби. Мулк шаклидан қатъий назар тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар харажатидан пенсия фондига ажратмалар. Моддий маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва тижорат хизмати кўрсатувчи муассасалар ажратмаларининг ўзига хос хусусиятлари. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан яққа тартибдаги ажратмалари, ставкаси ва олиниш механизми.*

*Пенсия фонди харажатлари ва унинг таркиби.* "Пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун меҳнат фаолиятини тугатган эркак ва аёлларнинг ёшлари ҳақида. Оғир экологик шароитда пенсияга чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари. Мудофаа тизимида хизмат қилган фуқороларнинг пенсияга чиқиш хусусиятлари. Кўп болали оналарнинг пенсияга чиқиш ёшлари. Ижтимоий пенсия ва унинг ўзига хос хусусиятлари. I - II гуруҳ ногиронларига пенсия бериш механизми. Пенсия ёшига етмасдан бир йиллик пенсияга чиқиш механизми. Пенсия фондининг кўшимча даромад манбалари. Тижорат корхоналаридан ҳайрихоҳлик маблағлари, ортқча маблағлардан инвестиция жараёнида фойдаланиб, иқтисодий самара олиш йўллари: қисқа муддатли давлат облигациялари, мақсадли лотереяларни муомалага чиқариш ва бошқалар. Ҳозирги шароитда мазкур фондни шакллантириш ва фойдаланиш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари.

### **Ижтимоий суғурта фонди**

*Ижтимоий суғурта фондининг моҳияти, мазмуни ва мақсади.* Ижтимоий суғурта фондининг шаклланиш манбалари. Ҳозирги шароитда ижтимоий суғурта фондининг даромадлари ва уларнинг таркиби. *Тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг иш ҳақи фондига нисбатан ажратмалари, уларни ҳисоблаб чиқиш механизми.* Ушбу ажратмаларнинг корхона маҳсулотли, хизмати ва ишнинг таннархида тутган ўрни. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи фондидан ажратмалар. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик, ҳайрихоҳлик маблағлари. Пансионат ва дам олиш уйлари учун йўлланма баҳолари. *Ижтимоий суғурта фондидан фойдаланиш йўллари.* Мазкур фонддан фойдаланувчи шахслар касаллик варақаларига тўлаш, дам олиш жойларига берилган йўлланманинг маълум қисмини қоплаш, корхона умумий овқатланиш харажатларини қоплаш. Ҳозирги шароитда мазкур фонддаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Мазкур фондга кўшимча маблағларни жалб этиш йўллари қидириб топиш. Бугунги кунда фонднинг давлат консолидация бюджетидаги салмоғи.

### **Бандликка кўмаклашув Давлат фонди**

*Бандликка кўмаклашув Давлат фондининг мазмуни ва аҳамияти.* Бандликка кўмаклашув Давлат фондини ташкил этилишига таъсир этган объектив омиллар, уни ташкил этишнинг асосий мақсади, ижтимоий ривожланишда унинг тутган ўрни. Мазкур фонднинг бошқа турдаги фондларга нисбатан ижтимоий хусусияти. Республикада ишсизликнинг олдини олиш ва унинг салмоғини камайтириш бўйича олиб борилаётган молиявий сиёсат стратегияси ва тактикаси. *Бандликка кўмаклашув Давлат фонди молиявий ресурсларининг шаклланиш манбалари.* Мулк шаклидан қатъий назар хўжалик субъектларнинг иш ҳақи фондига нисбатан махсус

ажратмалари. Юридик шахслар ва тадбиркорларнинг мазкур фондга хомийлик маблағлари. *Бандликка кўмаклашув Давлат фондидан фойдаланиш йўллари*. Ушбу фонддан фойдаланиш мақомини олган фуқоролар. Меҳнат лаёқатига эга бўлиб, расмий рўйхатдан ўтган фуқоролар. *Бандликка кўмаклашув Давлат фондидан нафақа олиш суммаси ва тўланиш муддатлари*. Янги иш жойлари бўйича маълумот йиғиш. Фуқороларнинг қайта малакасини ошириш. Бандлик фондиди ташкил этувчи ва маблағларни мақсадли йўналтирувчи хизматчиларга иш ҳақи ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш. *Бандлик фондиди ташкил этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги молиявий муаммолар*.

### **Республика йўл фонди**

*Республика йўл фондидининг мазмуни, аҳамияти ва ташкил этиш мақсади. Умумжаамият аҳамиятига молик бўлган тадбирларни амалга оширишда мазкур фондидининг шаклланиш манбалари*. Тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарининг ажратмалари моддий ишлаб чиқаришда қатнашаётган ва тижорий хизмат кўрсатаётган муассасалар ажратмалари. Енгил автомобилларни харид қилишдаги ажратмалар. Юк автомобилларини харид қилишдаги ажратмалар. *Республика йўл фондидан фойдаланиш йўллари*. Йирик магистраллар, ер ости йўллари қуриш, кўприklar, мавжуд йўللарни таъмирлаш ва бошқалар. Республика йўл фондиди шакллантириш ва фойдаланишда хизмат кўрсатаётган ходимларга иш ҳақи бериш ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш. Ҳозирги шароитда йўл фондига ажратмалар фондиди камайтириш йўллари. Мазкур ажратма юқини ошишига таъсир этаётган айрим объектив сабаблар.

### **"Умид", "Устоз" ва бошқа жамоа фондлари**

*"Умид" фондиди ташкил этишига таъсир этган омиллар. Мазкур фондидининг мақсади ва молиявий маблағларининг шаклланиш манбалари*. Республика миқёсидаги махсус ажратмалар. Тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар ажратмалари. Ушбу фонддан фойдаланиш йўллари. Йўл харажатлари, ўқиш учун харажатлар, тарқатма материаллар ва идора товарлари учун харажатлар. *"Устоз" фондиди ташкил этишига таъсир этган омиллар. Мазкур фондидининг мақсади ва молиявий маблағларининг шаклланиш манбалари*. Республика миқёсидаги махсус ажратмалар. Олий ўқув юртларининг контракт жамғармасидан ажратмалари. Тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг хомийлик маблағлари. *"Устоз" фондидидаги молиявий ресурслардан фойдаланиш йўллари*. Профессор-ўқитувчиларнинг ривожланган мамлакатларда малакасини ошириши билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш. *"Соғлом авлод учун", "Наврўз", "Амир Темур", "Улуғбек", "Орол" ва шуларга тенглаштирилган жамоа фондлари*.



Уларнинг молиявий маблағларининг шаклланиш манбалари. Улардан фойдаланиш йўллари. Бугунги шароитда ушбу фондларга молиявий маблағларни кўпайтириш йўлларини қидириб топиш масалалари.

### **Хорижий мамлакатларда нобюджет фондларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш йўллари**

*Ҳамдўстлик мамлакатларида нобюджет фондлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Нобюджет фондларнинг турлари. Мулк шаклидан қатъий назар нобюджет фондларга ажратмалар, уларнинг миқдори ва олинмиш объектлари. Нобюджет фондлардан фойдаланиш қоидалари. Ривожланган хорижий мамлакатларда нобюджет фондларнинг бюджет билан алоқалари. Хорижий мамлакатларда мазкур фондлар юзасидан тажриба сифатида фойдаланиш.*

### **3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ(ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

#### **Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати**

##### **Курснинг предмети ва мазмуни**

Нобюджет фондлар фанининг жамиятни ривожлантиришдаги роли\*. Нобюджет фондларнинг вужудга келиш тарихи\*. Ҳозирги босқичда фанни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

#### **Нобюджет фондларнинг моҳияти, мазмуни ва турлари**

Нобюджет фондларнинг режали иқтисодда тутган ўрни. Нобюджет фондларнинг функциялари\*. Ҳозирги босқичда нобюджет фондлар бўйича олиб борилаётган молиявий сиёсат. Нобюджет фондларнинг умумий бошқарув органлари\*.

#### **Пенсия фондининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш**

Пенсия фондининг моҳияти ва мазмуни\*. Ҳозирги шароитда пенсия фондининг шаклланиш манбалари\*. Пенсия фондидан фойдаланувчи субъектлар. Пенсия фондининг қўшимча даромад манбалари.

#### **Ижтимоий суғурта фонди**

Ижтимоий суғурта фондининг моҳияти, мазмуни. Ижтимоий суғурта фондидан фойдаланиш йўллари\*. Ҳозирги шароитда мазкур фонддаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Нобюджет фондларнинг умумий бошқарув органлари\*.

## **Республика бандликка кўмаклашув Давлат фонди**

Бандликка кўмаклашув Давлат фондининг мазмуни ва аҳамияти\*. Бандликка кўмаклашув Давлат фондининг молиявий ресурсларининг шаклланиш манбалари\*. Бандликка кўмаклашув Давлат фондидан фойдаланиш йўллари. Бандликка кўмаклашув Давлат фондини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги молиявий муаммолар.

## **Республика йўл фонди**

Республика йўл фондининг мазмуни, аҳамияти ва ташкил этилиш мақсади\*. Республика йўл фондидан фойдаланиш йўллари\*.

## **"Умид", "Устоз" ва бошқа фондлар**

"Умид" фондини ташкил этилишига таъсир этган омиллар\*. "Устоз" фондини ташкил этилишига таъсир этган омиллар\*. Ўзбекистон Республикада фаолият кўрсатувчи бошқа жамоа фондлари.

## **Хорижий мамлакатларда нобюджет фондларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш йўллари**

Ҳамдўстлик мамлакатларида нобюджет фондлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари\*. Ривожланган хорижий мамлакатларда нобюджет фондларнинг бюджет билан алоқалари\*.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ**

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўрагазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни ҳисоблаш, диаграммаларни персонал компьютерда электрон таблицаларда Excel 7,0 пакети билан ишлаш асосида ўрганиш кўзда тутилган.

Персонал компьютерда "Право" системаси билан ишлашни ўрганиш ва ўқиш жараёнида нобюджет фондлар фаолиятига оид молиявий қонунчилик асослари ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан танишишда ундан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Шу билан бирга интернетнинг қуйидаги сайтларидан фойдаланиш мумкин:

**Case Studies:** Ўзбекистон Республикаси давлат молияси таҳлиliga доир ўқув мисоллари (рус тилида). Молия Вазирлиги хомийлигида "Бюджет-солиқ сиёсати" Маркази томонидан тузилган.

**Масофавий ўқитиш соатлари:** [WWW.google.ru](http://WWW.google.ru) (Жахон банки, Халқаро валюта фондининг давлат молияси ва унинг бўғинларига оид дастурлари); [WWW.Yandex.ru](http://WWW.Yandex.ru); [WWW.rambler.ru](http://WWW.rambler.ru); [WWW.worldbank.org.ru](http://WWW.worldbank.org.ru); [WWW.imf.org](http://WWW.imf.org).

**Компакт диск:** Sales information. International Monetary Fund – Publication Services; Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland.

#### **Статистик тўпламлар:**

1. Государственные финансы Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.г.
2. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.г.
3. Внебюджетные фонды в Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.г.

### **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Талабаларнинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва куйидаги турлар орқали амалга оширилади: жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар куйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмаларни тайёрлаши.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар куйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз "аъло";
- 71 - 85 фоиз "яхши";

- 55 - 70 фоиз "қониқарли";
- 55 фоиздан кам "қониқарсиз".

## 6. АДАБИЁТ

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғриси"даги 455-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
7. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
8. "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси". Ўзбекистон Республикасининг № 396-1, 24.04.1997 й. Қонуни билан тасдиқланган.
9. Бюджетная система Российской Федерации. Под редакцией проф. М. В. Романовского и проф. О. В. Врублевской. -М.: Юрайт, 2000.
10. Бюджетная система Российской Федерации: Уч. под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской – 2-изд. -М.: Юрайт, 2000.
11. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник под ред. Г.Б. Поляка – 2-изд. -М.: ЮНИТИ, 2001.
12. Бюджетный федерализм и межбюджетные отношения: проблемы и перспективы развития. 2-изд. –С-Пб.: Кодекс INFO, 2001.
13. Верхолаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов. – 2-изд. –Белград: Искра, 2000.
14. Гизатуллин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. – 2-изд. –Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001.
15. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. – 2-изд. -М.: Московский Центр Карнеги, 2001.
16. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – 2-изд. -М.: Дело ЛТД, 2001.

17. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. История развития и современное состояние межбюджетных отношений в России. – 2-изд. –Уфа: ГП Принт, 2001.
18. Дробозина Л.А. Финансы. Уч. для ВУЗов, -М.: Банки и биржи, 2000.
19. Дж К Ван Хорн. Основы управления финансами. Под ред. Проф. Соколова Я.В. -М.: Финансы и статистика, 1996.
20. Леткеман И. Совершенствование механизма государственного регулирования бюджетной системы // Рынок, деньги и кредит, 2001, <sup>1</sup> 7.
21. Наговицин А.Г. Бюджетная политика. –М.: Экзамен, 2000.
22. Ткачук М. И. Государственный бюджет. Уч. пос. 3-изд. –Минск: Высшая школа, 2000.
23. Финансы: Уч. для вузов. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской, Б.М. Сабанти. -М.: Юрайт, 2000.
24. Эрнст Джонс. Деловые финансы. -М.: Диалог, 1998.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Беляев Ю. А., Роль финансов в стабилизации Российской экономики // "Финансы", 1997. № 1.
2. Важнейшие задачи органов финансовой системы - финансы при переходе к рынку // "Финансы", 1997. № 6.
3. Герасименко Г.П., Маркарьян Э.А. Финансовый анализ. Учеб. пос. 2-изд., -М.: ПРИОР, 2001.
4. Ларионов И. К. О некоторых вопросах социально-экономической стратегии и финансовой политики. // "Финансы", 1997. № 6.
5. Лёвин А.П. Налогово-бюджетный потенциал регионов России. Проблемы и мнения. // "Налоговый вестник", ГНС РФ, апрель, 1997.
6. Петров Ю. Оздоровление финансовой системы и нормативные методы государственного регулирования экономики. // "Российский экономический журнал", Изд. "Финансы и статистика" 1997. № 3.
7. Пуртов В. А. Бюджет и налоговая служба. // "Финансы", 1997. № 1.
8. Суник Б. В. Сфера культуры: местные бюджеты и финансирование. // "Финансы", 1997., № 8.
9. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования. 2-изд., -М.: Финансы и статистика, 2001.
10. Boyd J. Inflation. "Growth and Central Banks Theory and Evidence", 1996. Policy Research Working Paper 1575. The World Bank. Washington. D. C.
11. EBKD transition Report 1998. Financial sector in transition. European Bank for Reconstruction and Development. London 1998.

12. Hermes N. Lesnik R. Financial System Development in Transition Economies. Journal of Banking and Finance. Vol. 24. pp. 507-524.
13. Moyer C. Financial System. Corporate Finance and Economic Development, in RA Hubbard (ed) Asymmetric information. Corporate Finance and investment. A National Bureau of Economic Research Project Report, University of Chicago Press. Chicago. PP. 307-322.
14. Steinherr A. An innovative Package for Financial Sector Reforms in Eastern European Countries. Journal of Banking and Finance 17 PP. 1033-1057.
15. Mingaleva Zh About the experience of enterprise's strategies in crisis situation. All Russian scientific conference "Economics" theory methodology, trends of development: S-Petersburg 1998.
16. Tkacheva S Innovation Activities Infrastructure as Multi Agent System The 11th Annual Meeting of the Japan Association for Evolutionary Economics. JAFEE 2000 Tokyo Japan 2000. 136-141.